

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 120-ҳадис

120 - الرَّابُعُ: عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ تَابَعَ الْوَحْيَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ وَفَاتِهِ حَتَّىٰ تَبُوَّقَ أَكْثَرَ مَا كَانَ الْوَحْيُ. مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ. [خ 4982، م 3016].

120. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ азза ва жалла Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васалламга то вафот этгунларича ваҳий нозил қилиб турди. Ваҳийнинг кўпи Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам вафот этган кунлари нозил бўлган».

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Ҳадиснинг ушбу бобга тегишли жойи шуки, Расулуллоҳ с.а.в.га ваҳий тушиши умрларининг охирида, Роббиларига яқин бўлганларида кўп нозил бўлар эди. Шунингдек, улуғ ёшларга муваффақ бўлганлар ҳам умрларининг охирида Аллоҳга яқин бўлиш учун ибодатга берилиб, жидду-жаҳд қилмоқлари лозим. Расулуллоҳ с.а.в. вафот топадиган йиллари ибодатни кўпайтирганлар. Жаброил алайҳиссаломга ҳар йили Қуръонни бир марта ўқиб берардилар. Вафот топадиган йиллари икки марта ўқиб бердилар. Ҳар рамазонда ўн кун эътикоф ўтирадилар. Вафот топадиган йиллари 20 кун эътикоф ўтирганлар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



